

«ОЛОЙ ДЕХҚОН БОЗОРИ» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БАЁНИ

2026 йил 20 апрел

Тошкент шаҳри

Акциядорларнинг 2025 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Юнусобод тумани А.Темур кўчаси 40 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2026 йил 20 апрель куни ўтказилди. Йиғилишда 1824258 овозга эга 4 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 98,6 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:

Ш.Ш.Шамансуров – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бўлим бошлиғи

Т.К.Камолов – Кузатув кенгаши аъзоси

Б.Ф.Расулов – «Олой дехқон бозори» АЖ директори в.б.

Реестр бўйича акциядорлар сони 1040 та. 1849174 овоз. Бошқа тегишли мутассадди ходимлар, жамми акциядор 4 та акциядор, 1824258 овоз билан қатнашиб, йиғилиш ўтказиш учун кворум 98.6 % ни ташкил этди.

Тошкент шаҳар Хокимиятига тегишли акцияларнинг ишончли вакили этиб, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКдан Ш.Ш.Шамансуров юборилган.

Йиғилишда раисликни кузатув кенгаши аъзоси Т.К.Камолов олиб борди.

Т.К.Камолов йиғилиш ўтказиш учун кворум 98.6 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, М.Ш.Каримова номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси Т.К.Камолов умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

Йиғилиш кун тартиби:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;
4. Жамиятнинг 2025 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш;
5. Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
6. Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг соф фойдасини тақсимлаш;
7. Жамиятнинг 2026 йилга мўлжалланган “Бизнес режаси”ни ҳамда “даромадлар ва харажатлар сметаси”ни тасдиқлаш;
8. Жамият директорини сайлаш;
9. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари масаласи;
10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;
11. Жамиятнинг 2026 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш;
12. Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;
13. Жамият ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш;

Йигилиш раиси Т.К.Камолов кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йигилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси тушинтириш бериб йигилиш санок хайъатига қуйидаги ходимларни сайланишини таклиф этди.

М.Каримова, Ш.Юсупова ва Д.Азизовалар

Кун тартибидаги **иккинчи масала** бўйича мажлис раиси тушинтириш бериб, йигилиш регламентини қуйидагича таклиф этди:

Кун тартибидаги асосий масалаларга 10 минутгача, қолган масалаларга 5 минутгача вақт берилиши, сўзга чиқувчиларга ҳар бир масаладан сўнг сўзга чиқиш ва уларнинг ҳар бирига 3 минутгача вақт ажратилиши таклифи киритилди.

Кун тартибидаги **учинчи масала** бўйича мажлис раиси сўзни жамият директори в.б. Б.Ф.Расуловга берди.

Б.Ф.Расулов сўзга чиқиб, «Олой дехқон бозори» АЖ нинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича қуйидагиларни маълум қилди:

2025 йилда эришилган ютуқ ва камчиликлари келтириб ўтиб, жумладан 2025 йилнинг якуни бўйича ялпи даромад режаси 9493285,0 минг сўм бўлган, амалда 10435287,0 минг сўмга ёки 942002,0 минг сўмга кўп бажарилгани, мажбурий харажатлар режаси 6808300,0 минг сўмни ташкил этиб, амалда 7417848,0 минг сўмга харажат қилинган режага нисбатан 609548,0 минг сўмга кўп харажат қилинган. Соф фойда режаси 1334278,0 минг сўм бўлган, амалда 1507032,0 минг сўмга ёки режага нисбатан 172755,0 минг сўмга кўп бажарилганлигини маълум қилди.

Жамият директори в.б. Б.Ф.Расулов ўз сўзини давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қароридан “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш ва қўллаш ҳамда тақдим этилган рақамларга асосан 2025 йил якунлари бўйича олинган СЙК (КПЭ) = 102,1 % ташкил этаётганлиги боис ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги, белгиланган норма кўрсаткичларига асосан, юқори даражада деб топилганлиги тўғрисида ахборот бериб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан мажлис раиси Т.К.Камолов сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгашининг 2025 йил мобайнида олиб борган фаолияти бўйича батафсил тўхталди. Жамият низомига мувофиқ жамиятни 2025 йилга тасдиқланган йиллик бизнес – режа бажарилишининг бориши тўғрисида жамият ижро этувчи раҳбарининг хисоботлари ҳар чоракда эшитилди. Жамият ижро этувчи орган томонидан ҳар чоракда берилган хисоботларда мавжуд бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ундириш ишларини жадаллаштириш ва бундай қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва харажатлар сметасида белгиланган харажатлардан ортиқ харажатга йўл қўймаслик ҳамда ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган фармонлар, фармойишлар ва буйруқларни ўз вақтида бажарилиши юзасидан тавсиялар бериб борилди. Шунингдек, Ўз навбатида Кузатув кенгаши мажлисларида қабул қилинган қарорларни ижроси, назорати ва бажарилиши ижроя орган директоридан талаб этилди. Акциядорлик жамиятлари қонунига асосан жамиятнинг 2026 йилга мўлжалланган бизнес – режаси 2025 йил 30 ноябрида Кузатув кенгаши мажлисида дастлабки тарзда маъқулланди, тасдиқлаш учун 2026 йил 20 апрелдаги акциядорлар умумий йигилиши кун тартибига киритилди. Жамият ижроия органи томонидан барча ҳужжатлар Кузатув кенгашига бериб борилди. 2025 йил мобайнида “Олой дехқон бозори” АЖ Кузатув кенгаши акциядорлик жамиятлари қонунини ва жамият низомига мувофиқ ваколати доирасидаги масалаларни Кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқилганлиги тўғрисида умумий мажлис катнашчиларини таништириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини кайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала юзасидан мажлис раиси сўзни аудиторлик ташкилоти ходими маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият бош ҳисобчиси М.Шоймардоновга ҳисобот берди.

М.Шоймардонов сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан МЧЖ шаклидаги "REAL AUDIT INVEST" аудиторлик ташкилоти томонидан 2025 йил молиявий – хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳаққоний, қонунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, жамият аудитори томонидан ижобий хулоса берилганлигини айтиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини кайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича жамият бош мухосиби М.Шоймардонов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2025 йил якуний баланси юзасидан тўлиқ ҳисобот берди.

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси М.Шоймардонов сўзга чиқиб, 2025 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан ҳамда жамият ташқи аудитори "REAL AUDIT INVEST" аудиторлик ташкилоти томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланси кўрсаткичларига мувофиқ, 2025 йил якуни бўйича олинган 1507032,0 минг сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимланишини тақлиф қилди:

- Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 24 декабрдаги "2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-1105-сонли қонуни 12-бандида "Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2026 йилнинг 1 июлига қадар 2025 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2026 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади деб белгилаб кўйилганидан келиб чиқиб, соф фойдани 50% қисмини яъни, 753 516 000 сўмни дивидендга ўтказиш;

- жамиятнинг захира жамғармасига - 5% 75 351 600 сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги 775-сонли қароридан келиб чиқиб жамият ижроия органи раҳбарига – 57.000.000 сўм;

- қолган 621 164 400 сўм соф фойдани Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 41 моддаси (41.4) ва Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 48-моддаси (48.3.) талабларидан келиб чиқиб, акциядорларга дивиденд беришга, яъни капитализация йўли билан жамият устав фондиди қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга йўналтириш тақлифи қиртилди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича жамият директори в.б. Б.Ф.Расулов сўзга чиқиб, 2026 йил учун тайёрланган «БИЗНЕС РЕЖА» ва «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» билан йиғилганларни таништирди, «БИЗНЕС РЕЖА»да жамиятнинг 2026 йилда амалга ошириладиган ишлари, жамиятнинг молиявий нуфузини янада ошириш ва йил якуни бўйича дивидендлар салоҳиятини ошириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва қўшимча даромадлар манбаини ташкил этиш

йулларини ахтариш кўрсатилганини билдирди, ("Бизнес-режа", "Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси" тўлалигича илова қилинади).

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги **саккизинчи масала** бўйича раислик қилувчи Т.К.Камолов сўзга чиқиб, 2026 йил 25 мартдаги жамият Кузатув Кенгаши қарорига мувофиқ жамият масъул ишчи-ҳодимларидан тузилган танлов хайъати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик Жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4720-сонли Фармони ижроси юзасидан жамият ижро этувчи орган рахбари (директор) лавозимига муносиб кадр танлаш мақсадида танлов ўтказилди.

Ижро этувчи орган рахбари (директор) лавозимига нисбатан қўйилган малака талаблари кўрсатилган ҳолда рўзномага, жамият веб сайтыга, корпоратив ахборот ягона портали (openinfo.uz)га эълон берилди. Танлов 2026 йил 26 мартдан – 2026 йил 14 апрель кунига қадар давом этгани тўғрисида маълумот берди.

Танлов давомида ҳеч қандай таклиф келиб тушмаганлиги айтиб ўтилди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи масалага** ўтиб, 2025 йил 19 март куни ўтказилган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида жамият кузатув кенгаши аъзолари қонунчиликка ва жамият уставига кўра 3 (уч) йил муддатга сайланганликлари ва уларнинг таркибига ўзгартириш йўқлиги айтиб ўтиб, ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўнинчи масала** бўйича жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси М.Каримова сўзга чиқиб, "TEZKOR-MALAKA-NATIJA" МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосаси билан таништирди.

("TEZKOR-MALAKA-NATIJA" МЧЖнинг хулосаси илова қилинади)

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўн биринчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис М.Каримова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни"га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан жамиятнинг 2026 йил фаолияти учун аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича ўрнатилган тартибда биржа савдолари орқали берилган танлов эълон натижаларига кўра қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтди:

1. "REAL AUDIT INVEST" МЧЖ - 9500000 сўм,

2. "LISARIS PROSPERITY FINANCE" МЧЖ - 9000000 сўм.

Раислик қилувчи кенгаш аъзоларидан ушбу масалага муносабатларини билдиришларини сўради.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги **ўн иккинчи бўйича** жамият директори в.б. Б.Ф.Расулов Давлат активларининг 2025 йил 22 декабрдаги 01/09-2-17/4340-сонли кўрсатмасига асосан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 2025 йил 27-ноябрдаги ЎРҚ-1097-сонли Қонуни ва

бошқа қонунчилик асосида жамиятнинг янги тахрирдаги Устави ишлаб чиқилганлигини билдириб, ушбу Устав лойихаси билан йиғилиш аъзоларини таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради

Йиғилиш кун тартибидаги **ўн учинчи** масала бўйича жамиятнинг ходимлари менеждери Г.Ибрагимова сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмаси жамият акциядорларининг 2025 йил 19 мартдаги умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланганлиги, бугунги кунга келиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилган тегишли ўзгартиришлар билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Мажлис раиси умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Кун тартибидаги барча масалаларини муҳокамаси тугагандан сўнг, мажлис муҳокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани санок комиссия раиси М.Каримова ўқиб эшиттириб, қуйидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

1-масала Ўқлаган 1824258-100% Бетараф 0-0,0% Қарши 0-0,0%	2-масала Ўқлаган 1824258-100% Бетараф 0-0,0% Қарши 0-0,0%	3-масала Ўқлаган 1824258-100% Бетараф 0-0,0% Қарши 0-0,0%
4-масала Ўқлаган 1824258-100% Бетараф 0-0,0% Қарши 0-0,0%	5-масала Ўқлаган 1824258-0,0% Бетараф 8-0,52% Қарши 0-0,0%	6-масала Ўқлаган 1824258-100% Бетараф 0-0,0% Қарши 0-0,0%
7-масала Ўқлаган 1824258-100% Бетараф 0-0,0% Қарши 0-0,0%		8-масала Ўқлаган 1824258-100% Бетараф 0-0,0% Қарши 0-0,0%
9-масала Жамият Кузгитув кенгаши аъзолари қонунчиликка ва жамият уставига кўра 3 (уч) йил муддатга сайланганликлари ва уларнинг таркибига ўзгартириш йўқлиги қабул қилинсин. Ўқлаган 1824258-0,0%, Бетараф 0-0%, қарши 1824258-100%		
10-масала Ўқлаган 1824258-100% Бетараф 0-0,0% Қарши 0-0,0%	11-масала 1. REAL AUDIT INVEST МЧЖ 9500,0 минг сўм Ўқлаган 0-100%, Бетараф 0-0,0%, қарши 0-0,0 % 2. "LISARIS PROSPERITY FINANCE" МЧЖ - 9000,0 минг сўм. Ўқлаган 1824258-0,0%, Бетараф 0-0%, қарши 1824258-100 %	
12-масала Ўқлаган 1824258-100% Бетараф 0-0,0% Қарши 0-0,0%	13-масала Ўқлаган 1824258-100% Бетараф 0-0,0% Қарши 0-0,0%	

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганлигини билдирди.

Санок комиссияси баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Кун тартибидаги 1 масала бўйича: "Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш". Ушбу масалага овоз бериш натижалари:

Ўқлаган 1824258-100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%.

Йиғилиш санок комиссияси аъзолари 3 кишидан иборат қилиб қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1) М.Каримова, 2) Ш.Юсупова ва 3) Д.Азизова

2. Қун тартибидаги иккинчи масала бўйича: Жамият акциядорларининг умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;

Ёқлаган 1824258-100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%

Қун тартибидаги асосий масалаларга 10 минутгача, қолган масалаларга 5 минутгача вақт берилиши, сўзга чиқувчиларга ҳар бир масаладан сўнг сўзга чиқиш ва уларнинг ҳар бирига 3 минутгача вақт ажратилиши таклифи тасдиқлансин;

Ёқлаган 1824258-100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%.

3. «Олой деҳқон бозори» АЖ ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (ёқлаган 1824258 та овоз –100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

4. Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текширувига мувофиқ ижобий аудиторлик хулосаси инобатга олинсин. (ёқлаган 1824258 та овоз – 100%, қарши–йўқ,бетараф –йўқ).

5. Жамиятнинг 2025 йил фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1824258 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

6. Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисобварағи тасдиқлансин (ёқлаган 1824258 та овоз – 100 %, қарши йўқ %, бетараф– йўқ).

6.1. Жамият ташқи аудитори “REAL AUDIT INVEST” МЧЖ томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2025 йил якуни бўйича 1507032000 сўм соф фойда олингани инобатга олинсин. Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 24 декабрдаги “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-1011-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2026 йилнинг 1 июлига қадар 2025 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдоридан ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2026 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади деб белгилаб қўйилганидан келиб чиқиб, жамият соф фойдасининг 50% қисми яъни, 753 516 000 сўми акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтирилсин, жамиятнинг захира жамғармасига 5% қисмини яъни, 75351600 сўм, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги 775-сонли қароридан келиб чиқиб жамият ижроия органи раҳбарига – 57000000 сўм ажратилсин, қолган 621 164 400 сўм соф фойда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 41 моддаси (41.4) ва Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 48-моддаси (48.3.) талабларидан келиб чиқиб, акциядорларга дивиденд беришга, яъни капитализация йўли билан жамият устав фондиди кўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга қолдирилиши тасдиқлансин.

7. Жамиятнинг 2026 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (ёқлаган 1824258 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

8. Жамият директорлиги лавозимига ўтказилган танловда номзодлардан таклиф келиб тушмагани маълумот учун қабул қилинсин (ёқлаган 1824258 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

9. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолари қонунчиликка ва жамият уставига кўра 3 (уч) йил муддатга сайланганликлари ва уларнинг таркибида ўзгартириш йўқлиги қабул қилинсин (ёқлаган 1824258 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

10. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича “TEZKOR-MALAKA-NATJA” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари тасдиқлансин. (ёқлаган 1824258 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

11. Жамиятнинг 2026 йил фаолияти учун ташки аудитор "LISARIS PROSPERITY FINANCE" МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган хакнинг энг кўп миқдори 9000,0 минг сўм миқдоригача белгилансин. (ёқлаган 1824258 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

12. Жамиятнинг янги тахрирдаги Устави тасдиқлансин. (ёқлаган 1824258 та овоз -100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

13. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилган ўзгаришлар маъқуллансин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1824258 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

Ингилиш раиси



Т.К.Камолов

Котиб



М.Каримова

Баённома имзоланган сана: 28 апрель 2026 йил.